Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

# ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
## к договору (контракту) от 19.01.2022 г. № 1

**между Болажон Ноза Сервис Савдо МЧЖ и Наманган шахар МТБ Марказ на общую сумму 633996990,00**

Глава 251

Казначейский лицевой счёт 400522860144017091100251067

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4252300 | | | |
| Январь | 200 765 714,00 | | | 200 765 714,00 |
| Февраль | 211 332 330,00 | | | 211 332 330,00 |
| Март | 221 898 946,00 | | | 221 898 946,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **633 996 990,00** | | | **633 996 990,00** |

Всего 633996990,00 сум

Шестьсот тридцать три миллиона девятьсот девяносто шесть тысяч девятьсот девяносто сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы __________ сум или _____% *** от общей суммы договора подлежат предоплате в _________ мес. 20__ г.

(*) – Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств [illegible] представляют [illegible] в 2-х экземплярах;

(**) – Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) – Месячный ____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до [illegible] Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств [illegible] в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством [illegible] коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) [illegible]

Руководитель заказчика ____________ (подпись) Сайфутдинов Ислом Эркинович Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика ____________ (подпись) Парпиев Мансур Эргашевич Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения ____________ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика ____________ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

UN21711650

**1,5,9,20,27,66-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тўғрисида**

**1 -сонли ШАРТНОМА**

**2022 йил “19” январь** **Наманган шахар**

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган **”Болажон Ноза Савдо Сервис” МЧЖ** номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари **Н. Атаханова** бир томондан, матнда кейинги ўринларда буюртмачи деб аталадиган, Устав асосида фаолият юритувчи **Наманган шахар мактабгача таълим бўлими** номидан мудир **И. Сайфутдинов** иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар) қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

## I. Шартноманинг предмети

1.1. Наманган шахар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги **1,5,9,20,27,66**-сонли Наманган шахар давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Тарбияланувчиларни бир кунда 3 (уч) маҳал овқатлантириш бўйича 10 (ўн) кунлик таомнома **1,5,9,20,27,66**-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотлари билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

1.3. Шартнома қиймати **1,5,9,20,27,66**-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нархларига мувофиқ **633 996 990** (Олти юз уттиз уч миллион туккиз юз туксон олти минг туккиз юз туксон ) сўмни ташкил этади

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сони кўпайганида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилади.

| Ташкилот номи | Тарбияланувчилар сони (нафар) | | | СанҚваМ бўйича 1 нафар болани бир кунлик овқатлантириш харажати* (сўмда) | | Шартнома амал қилиш муддати давомида иш кунлари сони | Жами харажат (сўмда) | Устама (ҚҚС билан) | | Шундан ҚҚС (сўмда) | Шартноманинг умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | 3 ёш | 4-7 ёш | 3 ёш | 4-7 ёш | | | % | Сўмда | | |
| 1-МТТ | 180 | 30 | 150 | 11 000 | 12 995 | 60 | 136 755 000 | 10% | 13 675 500 | 0 | 150 430 500 |
| 5-МТТ | 100 | 25 | 75 | 11 000 | 12 995 | 60 | 74 977 500 | 10% | 7 497 750 | 0 | 82 475 250 |
| 9-МТТ | 80 | 20 | 60 | 11 000 | 12 995 | 60 | 59 982 000 | 10% | 5 998 200 | 0 | 65 980 200 |
| 20-МТТ | 85 | 20 | 65 | 11 000 | 12 995 | 60 | 63 880 500 | 10% | 6 388 050 | 0 | 70 268 550 |
| 27-МТТ | 113 | 28 | 85 | 11 000 | 12 995 | 60 | 84 754 500 | 10% | 8 475 450 | 0 | 93 229 950 |
| 66-МТТ | 165 | 25 | 140 | 11 000 | 12 995 | 60 | 125 658 000 | 10% | 12 565 800 | 0 | 138 223 800 |
| Жами | **723** | **148** | **575** | **66 000** | **77970** | **60** | **546 007 500** | | **54 600 750** | 0 | 600 608 250 |

## Киска гурух

| Ташкилот | Киска гурухдаги | СанҚваМ | Шартнома | Жами | Устама | Шундан | Шартноманинг |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| номи | тарбияланувчилар сони (нафар) | | | бўйича 1 нафар болани бир кунлик овкатлантириш харажати* (сўмда) | | амал килиш муддати давомида иш кунлари сони | харажат (сўмда) | (ҚҚС билан) | | ҚҚС (сўмда) | умумий киймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | Киска | 4-7 ёш | Киска | 4-7 ёш | | | % | Сўмда | | |
| 5-МТТ | 50 | 50 | | 3 285 | | 60 | 9 855 000 | 10% | 985 500 | 0 | 10 840 500 |
| 27-МТТ | 44 | 44 | | 3 285 | | 60 | 8 672 400 | 10% | 867 240 | 0 | 9 539 640 |
| 66-МТТ | 60 | 60 | | 3 285 | | 60 | 11 826 000 | 10% | 1 182 600 | 0 | 13 008 600 |
| Жами | **154** | **154** | **X** | **9 855** | **X** | **180** | **30 353 400** | **X** | **3 035 340** | **X** | **33 388 740** |

*) Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада келтирилади.

Ушбу шартнома тузилган кунда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда 3 ёшли турувчи тарбияланувчилар сони 148 нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати 11 000 сўмни ташкил этади. 4 ва 7 ёшли турувчи тарбияланувчилар сони 575 нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати 12 995 сўмни ва киска гурухдаги тарбияланувчилар сони 154 нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати 3 285 сўмни ташкил этади.

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби **1-илова**да, ойма-ой тўлов жадвали **2-илова**да келтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

1.4. Амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари асосида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нархлари ўзгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сонининг ўзгариши ҳисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 10% ва ундан юқори кўрсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

## II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. **Аутсорсернинг ҳуқуқлари:**

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қўлланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;

кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш.

Аутсорсер қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.2. **Аутсорсернинг мажбуриятлари:**

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг ўзида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомномаларни 10 кунлик намунавий таомномалар асосида ҳудудий давлат санитария эпидемиологик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини3-иловада белгиланган муддатларда бажариш;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олиш.

Аутсорсерга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

2.3. **Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлаш.

Буюртмачи қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.4. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар ҳисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Буюртмачига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятларҳам юкланиши мумкин.

## III. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

3.1. Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

3.2. **Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан** тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиққан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

3.3. **Аутсорсер ҳар 10 (ўн) кунда** буюртмачига кунлик *таомномаларни илова қилган ҳолда* **ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини** тақдим этади.

3.4. Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб **30 фоиз миқдорда** олдиндан тўловларни амалга оширади;

аутсорсер томонидан тақдим этилган **ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида** кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга ўтказиб беради, жорий ойнинг қолган кунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказилади.

## IV. Шартнома бўйича жавобгарлик

4.1. **Аутсорсер қуйидагиларга жавобгардир:**

овқатларни фақат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг қарори билан марказлашган ҳолда тайёрлаш ва етказиб бериш);

овқат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгиловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга;

тайёрланган овқатларнинг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазнига мутаносиблигига;

тайёрланган овқатларнинг сифати бузилмасдан болаларга берилишига, болаларга ачиган, айниган ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овқатларни бермасликка;

таомномада маҳсулотларнинг ҳақиқий нархларини ҳамда ҳақиқатда овқатланган болалар сонини тўғри кўрсатилишига;

кунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда етказилишига;

ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкини бут сақланиши ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

кўрсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажаришга;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олишга.

4.2. **Буюртмачи қуйидагиларга жавобгардир:**

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб **чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари** ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топширишга;

кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳақиқатда келган тарбияланувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлашга;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлашга..

4.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

## V. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Форс-мажор ҳолатларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этиб бўлмас куч таъсиридаги вазият оқибати бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик бўйича томонлар жавобгар бўлмайди.

## VI. Бошқа шартлар

6.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар талабнома юбориш ва музокаралар ўтказиш йўли билан бартараф қилинади. Агарда томонлар келишувга эришмасалар низолар тегишли ҳудуддаги иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

6.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш амалдаги Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича амалга оширилади.

## VII. Шартноманинг амал қилиши ва бекор қилиниши

7.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб худудий ғазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

7.2. Агарда аутсорсер ташкилоти томонидан шартнома юзасидан мажбуриятлар қўпол равишда бажарилмаган ёки аутсорсер томонидан киритилиши лозим бўлган инвестиция мажбуриятини бажармаган холларда шартнома бир тарафлама қонунчилик доирасида бекор қилиниши мумкин.

## VIII. Томонларнинг реквизитлари

| «Аутсорсер» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **«Bolajon noza servis savdo» МЧЖ** | **Наманган шаҳар мактабгача таълими бўлими** |
| Манзил: Наманган шаҳри, Орзу МФЙ, Зиёкор кўчаси, 21-уй. | **Манзил:** Наманган шаҳри, Б.Машраб кўчаси, 12-уй. |
| | **Банк** Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошкармаси ХККМ |
| х/в 20208000800911994001 | ш/ҳ*100022860144017091100251062<br>ш/ҳ*400522860144017091100251067 |
| Банк номи ТИФ «Миллий банк» Наманган | бюджетдан маблағ олувчи СТИР305 150 997 |
| МФО 00222 СТИР 305714239 | ОКОНХ 92400 |
| | Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ғазначилиги |
| | Ғазна х/в 23402000300100001010 Марказий банк Тошкент шахар бош бошкармаси ХККМ |
| ОКОНХ | МФО 00014 |
| Раҳбар ____________ Н.Атаханова<br>имзо (Ф.И.Ш) | Бўлим мудири ____________ И.Сайфутдинов<br>имзо(QR-kod) (Ф.И.Ш) |

O'ZB RES NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI BOLAJON NOZA SERVIS SAVDO

Shartnomaning barcha bandlari O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonun talablariga javob beradi va tomonlar imzolashi uchun taqdim etiladi.
"KVADRA FORM" M.CH.J.
Yurist ________ U.X. Bozorov
19 - 01 2021

MAKTABGACHA TA'LIM VAZIRLIGI NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN SHAHAR MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI

UN21711650

2022 йил "19" январдаги
1 -сонли шартномага
**1-ИЛОВА**

**Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар 3 ёшгача тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати**

**ҲИСОБ-КИТОБИ**

| Т/р | Маҳсулотлар номи | Нархи (сўм) | Миқдори (грамм)* | Суммаси(сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Витамин ва минераллар билан бойитилган олий ва 1-навли унидан нон маҳсулотлари | 3500,00 | 90 | 315 |
| 2. | Олий ва 1-навли ун | 3000,00 | 25 | 75 |
| 3. | Крахмал | | 3 | - |
| 4. | Ёрмалар, дуккакли дон маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр | 7754,00 | 35 | 271 |
| 5. | Шакар | 9000,00 | 20 | 180 |
| 6. | Қандолат маҳсулотлари (повидло, джем, мураббо) | 13000,00 | 10 | 130 |
| 7. | Сариёғ (табиий, сигир сутдан олинган ) | 44000,00 | 15 | 660 |
| 8. | Ўсимлик мойи | 17000,00 | 7 | 119 |
| 9. | Табиий сигир сути (ёғлилик даражаси 2,5 —3,2%) | 4500,00 | 180 | 810 |
| 10. | Қатиқ, кефир. | 11000,00 | 100 | 1 100 |
| 11. | Сметана (ёғлилик даражаси 15%) | 14000,00 | 5 | 70 |
| 12. | Творог (ёғлилик даражаси 2,5%, 5,0%) | 18000,00 | 20 | 360 |
| 13. | Пишлоқ (шу жумладан қаттиқ турдаги) | 35000,00 | 8 | 280 |
| 14. | I категорияли мол, қўй, парранда, қуён гўшти | 52000,00 | 60 | 3 120 |
| 15. | Балиқ (тозаланган, бошсиз,музлатилган) | 30000,00 | 20 | 600 |
| 16. | Тухум (дона) | 950,00 | 0,5 | 475 |
| 17. | Картошка | 4500,00 | 100 | 450 |
| 18. | Сабзавотлар (шу жумладан помидор пастаси 3 — 5 гр) | 3800,00 | 150 | 570 |
| 19. | Мевалар, резаворлар, шарбатлар. | 9000,00 | 130 | 1170 |
| 20. | Қуруқ мевалар (туршак, майиз, олхўри, олма, наматак, ёнғоқ) | 6000,00 | 10 | 60 |
| 21. | Чой | 23000,00 | 0,3 | 7 |
| 22. | Какао | 66000,00 | 2 | 132 |
| 23. | Йодланганоштузи,табиийтаъмростловчилар (зира, кашнич дон) | 1500,00 | 4 | 6 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 24. | Хамиртуруш, разрыхлитель-(пишириқкукуни), улучшитель-(хамирнияхшилайдиганвосита), пишевая сода-(ошсодаси) | 40000,00 | 1 | 40 |
| | **Жами** | **X** | | 11 000,0 |

2022 йил "____" январдаги
_______-сонли шартномага
**1-ИЛОВА**

## Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар 4 ёшдан 7 ёшгача тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҲИСОБ-КИТОБИ

| Т/р | Маҳсулотлар номи | Нархи (сўм) | Миқдори (грамм)* | Суммаси(сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Витамин ва минераллар билан бойитилган олий ва 1-навли унидан нон маҳсулотлари | 3500,00 | 100 | 350 |
| 2. | Олийва 1-навли ун | 3000,00 | 30 | 90 |
| 3. | Крахмал | | 3 | 0 |
| 4. | Ёрмалар, дуккакли дон маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр | 7754,00 | 45 | 348,93 |
| 5. | Шакар | 9000,00 | 25 | 225 |
| 6. | Қандолатмаҳсулотлари (повидло, джем, мураббо) | 13000,00 | 10 | 130 |
| 7. | Сариёғ (табиий, сигирсутданолинган ) | 44000,00 | 20 | 880 |
| 8. | Ўсимликмойи | 17000,00 | 8 | 136 |
| 9. | Табиийсигир сути (ёғлиликдаражаси 2,5 —3,2%) | 4500,00 | 200 | 900 |
| 10. | Қатиқ, кефир. | 11000,00 | 100 | 1100 |
| 11. | Сметана (ёғлиликдаражаси 15%) | 14000,00 | 5 | 70 |
| 12. | Творог (ёғлиликдаражаси 2,5%, 5,0%) | 18000,00 | 20 | 360 |
| 13. | Пишлок (шу жумладанкаттиқтурдаги) | 35000,00 | 10 | 350 |
| 14. | I категорияли мол, қўй, парранда, куёнгўшти | 52000,00 | 80 | 4160 |
| 15. | Балик (тозаланган, бошсиз,музлатилган) | 30000,00 | 20 | 600 |
| 16. | Тухум (дона) | 950,00 | 0,5 | 475 |
| 17. | Картошка | 4500,00 | 120 | 540 |
| 18. | Сабзавотлар(шу жумладан помидор пастаси 3 — 5 гр) | 3800,00 | 180 | 684 |
| 19. | Мевалар, резаворлар, шарбатлар. | 9000,00 | 150 | 1350 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 20. | Қуруқмевалар (туршак, майиз, олхўри, олма, наматак, ёнғоқ) | 6000,00 | 10 | 60 |
| 21. | Чой | 23000,00 | 0,3 | 6,9 |
| 22. | Какао | 66000,00 | 2 | 132 |
| 23. | Йодланганоштузи,табиийтаъмростловчилар (зира, кашнич дон) | 1500,00 | 5 | 7,5 |
| 24. | Хамиртуруш, разрыхлитель-(пишириккукуни), улучшитель-(хамирнияхшилайдиганвосита), пишевая сода-(ошсодаси) | 40000,00 | 1 | 40 |
| | **Жами** | **Х** | | **12 995** |

2022 йил "19" январдаги
1 -сонли шартномага
**1-ИЛОВА**

**Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар 4 ёшдан 7 ёшгача тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати**
**ҲИСОБ-КИТОБИ**

| Т/р | Маҳсулотлар номи | Нархи (сўм) | Миқдори (грамм)* | Суммаси(сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Витамин ва минераллар билан бойитилган олий ва 1-навли унидан нон махсулотлари | 3500,00 | 50 | 175 |
| 2. | Олийва 1-навли ун | 3000,00 | | |
| 3. | Крахмал | | | |
| 4. | Ёрмалар, дуккакли дон махсулотлари, макарон махсулотлари, шу жумладан, мош-3 гр | 7754,00 | | |
| 5. | Шакар | 9000,00 | 5 | 45 |
| 6. | Қандолатмахсулотлари (повидло, джем, мураббо) | 13000,00 | | |
| 7. | Сариёғ (табиий, сигирсутданолинган ) | 44000,00 | 10 | 440 |
| 8. | Ўсимликмойи | 17000,00 | | |
| 9. | Табиийсигир сути (ёғлиликдаражаси 2,5 —3,2%) | 4500,00 | 100 | 450 |
| 10. | Қатиқ, кефир. | 11000,00 | 100 | 1100 |
| 11. | Сметана (ёғлиликдаражаси 15%) | 14000,00 | | |
| 12. | Творог (ёғлиликдаражаси 2,5%, 5,0%) | 18000,00 | | |
| 13. | Пишлоқ (шу жумладанқаттиқтурдаги) | 35000,00 | 5 | 175 |
| 14. | I категорияли мол, қўй, парранда, қуёнгўшти | 52000,00 | | |
| 15. | Балиқ (тозаланган, бошсиз,музлатилган) | 30000,00 | | |
| 16. | Тухум (дона) | 950,00 | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 17. | Картошка | 4500,00 | | |
| 18. | Сабзавотлар(шу жумладан помидор пастаси 3 — 5 гр) | 3800,00 | | |
| 19. | Мевалар, резаворлар, шарбатлар. | 9000,00 | 100 | 900 |
| 20. | Қуруқмевалар (туршак, майиз, олхўри, олма, наматак, ёнғоқ) | 6000,00 | | |
| 21. | Чой | 23000,00 | | |
| 22. | Какао | 66000,00 | | |
| 23. | Йодланганоштузи,табиийтаъмростловчилар (зира, кашнич дон) | 1500,00 | | |
| 24. | Хамиртуруш, разрыхлитель-(пишириккукуни), улучшитель-(хамирнияхшилайдиганвосита), пишевая сода-(ошсодаси) | 40000,00 | | |
| | **Жами** | **X** | | **3 285** |

Шартномага
**2-ИЛОВА**

**Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича шартнома бўйича тўловларни амалга ошириш графиги**

| Йил ва ой | Тўлов миқдори (сўм) |
|---|---|
| 2022 йил январь | 200 765 714 |
| 2022 йил февраль | 211 332 330 |
| 2022 йил март | 221 898 947 |
| 2022 йил апрель | |
| 2022 йил май | |
| 2022 йил июнь | |
| 2022 йил июль | |
| 2022 йил август | |
| 2022 йил сентябрь | |
| 2022 йил октябрь | |
| 2022 йил ноябрь | |
| 2022 йил декабрь | |
| **Жами** | **633 996 990** |

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: MU6832388586

# YURIDIK XULOSA

**№ UN21711650**

**«Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 21-moddasi tartibida**

**2022-yil 19-yanvar**
***Namangan sh.***

Namangan shahar Maktabgacha ta'lim tashkiloti hamda **"Bolajon Noza Savdo Servis" MCHJ** o'rtasida Namangan shahar Maktabgacha ta'lim bo'limi tasarrufiga kiruvchi 1-5-9-20-27-66-sonli maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ro'yxatda turuvchi tarbiyalanuvchilarni autsorsing usulida ovqatlantirish yuzasidan umumiy bahosi **633 million 996 ming 990 so'm** bo'lgan shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi tekshirildi va quyidagilar aniqlandi, jumladan:

mazkur shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar **O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»** gi O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi;

shartnoma shartlari «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 10-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 354-moddasi talablariga mos keladi;

taraflarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi belgilangan.

Shartnoma taraflari o'rtasida autsorsing usulida ovqatlantirishni tashkil etish yuzasidan ishlab chiqilgan shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2017-yil 9-sentabrdagi PQ-3261-son qaroriga asosan qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 25.07.2019 yildagi "Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida sog'lom ovqatlantirish tizimini yanada takomillashtirish to'g'risida"gi 626-sonli qarori talablariga muvofiq ishlab chiqilgan. Yuqoridagi o'rganishlarga asosan,

## XULOSA

Mazkur shartnoma loyihasi qonunchilik talablari doirasida tuzilgan hamda taraflar shartnomani tegishli tartibda rasmiylashtirishlari mumkinligi tavsiya etiladi.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **D.F.Jakbarov**

**2022-yil 19-yanvar**

Юрист исм фамилияси JAKBAROV DONIYOR FOZILJON O'G'LI